
Президентнинг расмий белгилари қабул қилинди

«Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга [киритилган](#) қўшимчага кўра, давлат раҳбари Ўзбекистон Президентининг белгиси ва штандартига (байроғига) эга бўлади.

Штандарт — махсус турдаги байроқ. Хорижий давлатларда у президентлик белгиси (рамзи) ҳисобланади. Штандарт (байроқ) президент иштирок этадиган барча муҳим тадбирларда, **инаугурация** (қасамёд қабул қилиш) пайтида ҳамда президент **қароргоҳлари** бинолари ва хизмат хоналарида кўтарилади.

Президент белгиси — президентнинг фарқловчи расмий белгиси. Бу белги президентлик лавозимига сайланган шахсни ўз лавозимига юклатилган оғир вазифаларни самарали амалга оширишида халқ ва жамият томонидан билдирилган **ишонч белгиси** сифатида хизмат қилади.

2021-10-27 09:29:54